# КЎМИР МАҲСУЛОТИНИНГ ЯНГИ ТАРИФЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссиясининг қарорига мувофиқ “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти ва “Кўмир таъминот” масъулияти чекланган жамияти томонидан республика ичида сотиладиган кўмир маҳсулоти тарифининг янги миқдори тасдиқланди.

Идоралараро тариф комиссиясининг 2023 йил 27 октябрдаги 18-сон йиғилиш мажлис баённосининг 4-, 5-, 6- иловаларига мувофиқ “Ўзбеккўмир” АЖ томонидан етказиб бериладиган маҳаллий кўмирнинг 1 тоннаси учун тарифи қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда қуйидагича миқдорларни ташкил қилади:

**“Ўзбеккўмир” АЖ томонидан ишлаб (қазиб) чиқариладиган кўмир маҳсулотининг улгуржи нархлари**

| Маҳсулот номи | Ўрта ҳисобланган меъёри, % | | Ўлчов бирлиги | 1 тонна маҳсулотга улгуржи нарх *(сўмда, ҚҚС билан)* |
|---|---|---|---|---|
| | кullик | намлик | | |
| 2 БОМСШ (0-50) | 23.8 | 35 | тонна | 365 800 |
| 2 БОМСШ-Б-1 (0-50) | 32.5 | 35 | тонна | 322 800 |
| 2 БОМСШ-Б-2 (0-50) | 46.7 | 35 | тонна | 253 900 |
| *Бюджет ташкилотлари учун “Кўмиртаъминот” МЧЖга:* | | | | |
| 2 БР (0-300) | 21.8 | 35.5 | тонна | 250 680 |
| *Аҳоли учун “Кўмиртаъминот” МЧЖга:* | | | | |
| 2 БЗР (25-500) | 21.8 | 35.5 | тонна | 237 800 |

*Изоҳ:*

*1. Мазкур нархлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 мартдаги “Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 249-сон қарорига мувофиқ тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиладиган кўмир учун белгиланган. Биржа савдолари орқали сотиладиган кўмир нархлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Товар-хомашё биржалари фаолияти самарадорлигини ошириш ва биржа савдоси механизмларини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-4484-сон қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган.*

*2. “Ўзбеккўмир” АЖ томонидан ишлаб чиқариладиган кўмир маҳсулотининг улгуржи нархлари ҳамда сегментларига кўра сотилиши Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 июлдаги 06/1-126-сон топшириғига мувофиқ тасдиқланган.*

*3. Маҳсулот кули ва намлиги бўйича ўртача ҳисобланган меъёри фоиз ҳисобида O'z DSt 3492:2020 мувофиқ ўрнатилган.*

*4. Мазкур нархлар кучга кириши билан 2022 йил 26 июлдан амал қилган декларация нархи (2022 йил 25 июлдаги 19-03-22-06-ЎзР-1-2022-сон декларация нархи) ўз кучини йўқотади.*

**“Ўзбеккўмир” АЖ**
**бош директори** **В.В.Кузнецов**